

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Андижонсувқурилишинвест”

ДМ директори

И. Холмирзаев

10.

2022 г



Лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқиши амалга ошириш ишлари  
бажарувчи ташкилотга талаб этиладиган хизматлар ва хужжатлар рўйхати

### **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

## **УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

### **Энг яхши таклифларни танлаб олиш предмети**

Харид комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” ги УРК-684-сонли Конуни ва Харид қилиш тартиб-тамоилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат раҳами 3016. 26.05.2018 йил) асосан амалга оширади.

### **Энг яхши таклифларни танлаб олишни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қўйидагилар:**

Энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказиш очик турда бўлиб, лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши амалга ошириш ишлари бажариш бўйича танлашни ўтказиш кўзда тутилган.

Тўпламлар сони: 1 комплект

Хизматларни бошлангич нархи ва бажариладиган ишларнинг тафсилоти техник топшириқда кўрсатилган.

Барча бирламчи рухсат берувчи хужжатлар, мухандислик геологияси, гидрогеология хуносаси (талаб этилганда), АТТБ (ЗВОС) лойиҳаси, муаллифлик назорати ишлари, техник кўрик (талаб этилганда) ишлари, лойиҳа-смета хужжатларини экспертиза кўригидан ўтказишни ташкил этиш билан бирга бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиши муддати 6 30 кун

Бюджет маблағлари ҳисобидан лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши амалга ошириш хизматини кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказишдан мақсад - мазкур объектнинг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқадиган ташкилотни аниқлаш.

**Буюртмачи – “Андижонсувқурилишинвест” ДМ**

**Манзили:** Андижон ш. Н. Охунов кўча 35 уй

Бирламчи рухсат берувчи лойиҳа ва танлов хужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи Ф. Жўраев

Тел: 74-223-52-16

**Давлат буюртмачиси**

Мустақил равишда ёки ихтисослашган ташкилотни жалб этган ҳолда товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошлангич нархини белгилаш, бундан қонунчиликда белгиланган доллар мустасно.

Давлат харидларини амалга оширишда <https://etender.uz> /Веб-сайт порталига ва узининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларига эълон жойлаштириш:

Харид қилиш тартиб-тамоиллари иштирокчиларидан энг яхши таклифларни танлаш ва тендерни ўтказишда давлат харидлари тўғрисидаги шартнома (бундан бўён мантда шартнома деб юритилади) тузиш ва (ёки) шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича мажбуриятларини бажарилишини таъминлайдиган гаров ёки банк кафолатини киритишни талаб қилиш;

харид қилиш тартиб-тамоилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини ўзайтириш;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда харид қилиш тартиб-тамоиллари иштирокчилар таклифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан уларга мурожаат қилиш хукуқига эга.

Давлат буюртмачиси қонунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат буюртмачиси:

давлат харидларини режалаштириши;

ушбу Қонунга мувофиқ харид қилиш тартиб-тамоили турини танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда давлат харидларини амалга ошириши;

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда маҳсус ахборот порталига жойлаштириши;

харид қилиш тартиб-тамоиллари иштирокчиларининг товарлар (ишлар, хизматлар) ва давлат харидларининг тартиб-тамоиллари билан боғлик сўровлари бўйича уларга қонунчиликка мувофиқ тушунтиришлар бериши;

харид қилиш тартиб-тамоилларининг ғолиб деб топилган иштирокчилари билан шартномалар тузиши, шунингдек уларни ижро этилишини таминалиши;

давлат харидларини амалга оширишда аффилланганлик тўғрисида ахборотни тақдим этиши;

бўлажак давлат харидлари тўғрисида эълонларни факат молиялаштириш манбалари ва микдорлари мавжудлиги тасдиқланган тақдирдагина маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизими (<https://etender.uzex.uz/>) га ва оммавий ахборот воситалари га жойлаштириши шарт.

### **Харид комиссияси**

Харид комиссияси қўйидаги вазифаларни бажаради:

харид қилиш хужжатларини келишади;

таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди;

таклифларни очиш тартиб-тамоилларини белгилайди;

таклифларни баҳолаш мезонларини ва усусларини белгилайди;

зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;

дастлабки малака танловини ўтказади, агар харид қилиш хужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;

зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қиласди;

зарур бўлганда баҳолаш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;

харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширади;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ғолибини ва зарур бўлганда захирадаги ғолибни белгилайди ёки савдони амалга ишмаган деб топади.

### **Ихтисослашган ташкилот**

Ихтисослашган ташкилот қуйидаги ҳизматларни кўрсатади:

- товарнинг (ишнинг, ҳизматнинг) бошлангич нархини аниқлайди, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно;
- маркетинг тадқиқотларини ва бошқа тадқиқотларни ўтказади;
- реклама ишларини ташкил этади;
- харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўрисидаги хабарномалар, эълонлар матинларини, харид қилиш ҳужжатларини расмийлаштиради;
- харид қилиш тартиб-таомиллари талаблари, шартлари ва улар бўйича тушунтиришлар матнарини қонунчиликка мувофиқ тайёрлайди;
- давлат буюртмачисига харид қилиш тартиб-таомилининг турини таклиф қиласди;
- давлат буюртмачисининг ёзма мурожаатига кўра давлат харидларининг тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ахборотни давлат харидларининг электрон тизимида ва маҳсус ахборот порталиги қонунчиликка мувофиқ жойлаштиради;
- ғолиблар билан имзоланадиган шартномалар лойихаларини тайёрлайди;
- давлат буюртмачисинг ёзма топшириғида кўра бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълоноарни фақат молиялаштириш манбалари мавжудлиги тасдиқланган тақдирда, жойлаштиради;
- давлат буртмачисининг ёзма топшириғига кўра харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларига ўз таклифларининг амал қилиш муддатини муайян муддатга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қиласди;
- харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини расмийлаштиради;
- харид қилш тартиб-таомиларини ўтказиш якунлари бўйича ҳисобтлар тузади;
- харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш учун таклифномалар юборилишини таъминлайди.

### **Давлат харидларида коррупцияга йўл қўймаслик**

Инсофли рақобатни ва қарорларни қабул қилиш чоғида ҳолисона мезонлардан фойдаланишини;

мониторинг ва назорат ўтказишнинг, шу жумладан ички мониторинг ва назоарт ўтказишнинг самарали тизими яратилишини;

Қонун ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузулиш ҳоллари тўғрисидаги маълумотлар ахборотнинг очик манбаларида эълон қилиб борилишини;

давлат харидлари тартиб-тамоиллири Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш йўли билан амалга оширилади.

### **Иштирокчи**

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган хажмда фойдаланиши;

давлат буюртмачисига ёки ушбу буюртмачи томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-тамоиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш хамда улардан тушунтириш олиш;

харид компанияси томонидан таклифлар очилаётганда белгиланган тартибда иштирок этиш;

давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-тамоиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;

қонунчиликка мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш хукуқига эга;

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва хужжатларни тақдим этиши хамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиш;

асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;

ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

### **Давлат харидларининг ижрочиси**

давлат буюртмачиси билан тузилган шартномани бажариш жараёнида тушунтиришлар олиш учун унга мурожаат қилиш;

етказиб берилган товар (иш, хизмат ) учун хақ олиш;

шартнома шартларига мувофиқ ва ( ёки ) қонунчиликда назарда тутилган холларда шартномани бекор қилиш хукуқига эга;

қонунчилик талабларига риоя этиши;

шартномани унинг шартларига мувофиқ бажариши;

асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши; шартномани бажариш жараёнида давлат буюртмачисига ёки ваколатли давлат органига унинг сўрови бўйича тушунтиришлар ва ахборот бериши шарт.

### **Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблар ва тақдим этилиши лозим бўлган хужжатлар**

Иштирокчи таклифларни тайёрлайди ва харид комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (Харид комиссиясининг сўровига кўра ).

Иштирокчиларнинг малака кўрсаткичлари ва берилган таклифлари Харид комиссияси томонидан баҳоланади.

Иштирокчилар қуйидаги хужжатлар ёрдамида малака кўрсаткичлари ва таклифларни тақдим этиши лозим:

- Юридик шахс сифатида давлат рўйҳатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- Объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича II тоифадаги Сув хўжалиги курилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета хужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш, лицензиясининг нусхаси;

- Объектларда муалифлик назоратини олиб боривчи мутахассисларнинг сертификат нусхаси;

- Иштирокчи қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик, буюртмачи билан суд ёки хакамлик судида тортишув ҳолатида эмаслиги, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлар йўқлигини тасдиқловчи кафолат хати;
- Ташкилот томнидан корупцияга йўл қўймаслик бўйича давлат муассаси директори номига кафолат хати
- Танловда иштирок этиш учун ариза (1-шакл);
- Танлов иштирокчиси хақидаги умумий маълумотлар (2-шакл);
- Иш тажрбаси (3-шакл);
- Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати (4-шакл);
- Мавжуд моддий-техника воситалари тўғрисида маълумот (5-шакл);
- Курилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўрисида маълумот (лойиҳа таклифи) (6-шакл);
- Ишлаб чиқариш базаси ва оғиси борлиги (ўз балансида бўлса кадастр ҳужжатлари, ижарада бўлса ижара шартнома)

Иштирокчи танлов таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий ҳаражатларни ўз ҳисобидан қоплади.

Танловда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

**Танлов ғолиби** – таклифларни балли методда баҳолаш якуни бўйича танлаш энг яхши таклиф берган иштирокчи ғолиб бўлади.

**Захирадаги ғолиб** – энг яхши таклифларни танлашда ғолибидан кейинги ўринда турган паст балл туплаган иштирокчи.

### **Танлашда қуйидаги иштирокчиларнинг таклифлари рад этилади;**

- юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, лойиҳа ишларини олиб бориш хуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаган;
- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний хукуқقا эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўган;
- ишаб чиқариш базаси, оғиси, оргтехника ва ўлчов асборлари бўлмаса (бошқа вилоят худудида бўлса);
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликлари мавжад бўлса;
- буюртмачи билан суд ёки хакамлик судида тортишув ҳолатида бўлса;
- аввалги буюртмачиларда имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартибтамоилларида қатнашишдан четлаштиради, агар;

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсни ёки ходимини ёки бошқа давлат органинг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳобуомларни ёки хизматларни таклиф қилиш, бериши ёки беришга рози бўлганлиги – ёки харидорнинг давлат харидлари жараённида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;

- иштирокчи қонунга хилоф равища адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар түқнашувига эга бўлса.

### **Махфийлик**

Давлат буюртмачисининг ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг ходими ўзининг давлат харидлари ижрочилари ёки хар қандай бошқа шахс билан муносабатларида; агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат хафсизлиги манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборонинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса, уларга риоя этилишини таъминлашга монелик қилса, давлат харидлари субъектларининг қонуний манфаатларига зарап етказса ёхуд инсофли рақобатга тўсқинлик қилса, агар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли ўрган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса, хеч бир ахборотни ошкор этишга хақли эмас.

Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу қарорнинг шартларига риоя этади.

Харид қилиш тартиб-тамоиллари иштирокчиси харид илиш тартиб-тамоилида иштирок этиб, унинг харид қилиш тартиб-тамоилида иштирок этиши билан боғлиқ таклифда ўзи кўрсатган барча маълумотларнинг эълон қилинишига розилик билдиради.

### **Танлаш хужжатининг таркиби.**

Иштирокчи унга брилган танлаш хужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакиллар, шартлар ва техник тавсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

Танлаш хужжатларида кўсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш хужжатлари талабларига ўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилингмаслигига олиб келади.

### **Танлаш хужжатларига аниқлик киритиш**

Хужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўдганга қадар Иштриокчи танлаш хужжатларига кандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равища мурожат қилишлари мумкин:

Комиссия итирокчисининг сўровига кўра Таклифларни тақдим этишнинг сўнги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган холда танлашнинг барча қатнашчиларига мажбурмй тартибда жавоб юбориб, танлаш хужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

### **Танлаш хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киртиш**

Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган холда танлашда иштрок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай тан бўйича харид қилиш хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга хақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг таушган муддати уч иш кунга узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган

бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

### **Танлашда қатнашиш ҳаражатлари.**

Танлашда иштирок этиш ва танлаш хужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Нарх таклифда кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади. Танлов таклифи нархи миллий валюта-сўмда тўланиши лозим.

Маҳсулот (хизмат, иш) нархи (таклиф)га барча ҳаражатлар, яъни солиқ ҳамда бюджетъе ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўлов киритилади.

Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизиатларни кўрсати) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориши наижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

Нархларнинг шишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

### **Танлашда қўлланиладиган тил.**

Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли хужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

### **Танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби**

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари эълонда ва танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида белгиланган тартибда танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган <https://etender.uzex.uz/> порталига электрон тарзда киритилади.

Электрон шаклда танлаш ўтказиш чоғида танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таклифда давлат хариди обьекти бўлган товарни эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.

Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

Танлаш учун таклифларни қабул қилиш маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддати келиши билан тугатилади.

### **Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш**

Иштирокчи танлаш таклифини қатъий равишда мазкур танлаш хужжатлари асосида тақдим этиши лозим.

Танлаш таклифи шаклларида барча бўш графалар танлаш хужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

Иштирокчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлаш таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

## **Муқобил таклифлари**

Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўинишида берилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

## **Танлаш таклифларини расийлаштириш ва имзолаш.**

Танлашда қатнашиш учун иштирокчи ўзининг ЭРИ калити билан онлайн тарзда қатнашади.

### **Танлашни ўтказиш.**

Келиб тушган таклифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмайдиган таклифлар таклиф харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди. Танлашни ўтказишида иштирокчиларнинг бошланғич нархдан юқори бўлган нарх бўйича таклифлари харид комиссияси томонидан рад этилади ва баҳоланмайди.

Агар харид комиссияси томонидан иштирокчилардан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган камида иккита таклифолинган бўлса, танлаш ўтказилган деб ҳисобланади.

Иштирокчининг барча таклифлари танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳоланади ва танлаш ўтказиш баённомасида қайд этилади.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан уч иш кунидан ошиши мумкин эмас.

### **Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон.**

Танлаш воситасидаги давлат хариди тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан чекланмаган микдорда шахсларга маҳсус ахборот портали орқали харидларининг электрон тизимига, шунингдек давлат буюртмачисининг охишига кўра – унинг расмий веб-сайтига ёки унинг юқор турувчи органининг расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонни ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини жойлаштириш йўли билан маълум қилинади.

Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланганига нисбатан узокроқ муддатга жойлаштрига хадли.

Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон куйидагларни ўз ичига олиши керак:

танлашни ўтказиш шакли;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бтафсил тавсифи ва бошланғич нархи;

танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили;

иштирокчиларга кўйиладиган талаблар;

давлат буртмачисининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсларнинг ёки бошқа ходимларнинг фамилияси, исми, шарифи, лавозими ва манзили;

иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вакт;

таклифни расмийлаштиришга доир талаблар.

Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон ва (ёки) танлашда иштирок этиш учун таклиф қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ахборотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Танлов таклифларини топширишнинг схирги муддатига 3 кун қолгунга қадар танлов қатнашувчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

Танлов қатнашчиси томонидан танлов ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

### **Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибни аниқлаш.**

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Комиссия танлаш таклифларини техник, ташкилий-моиявий ва тижорат жихатдан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари томониадн амалга оширилади.

Комиссия танлаш ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган хар қандай таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш хуқуқини ўзтда олиб қолади.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мзонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган мухокама натижалари тўрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичida давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тазилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан маҳсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

### **Танлаш қўйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади**

тегили лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охирги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлов таклифларида танлов ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қиймаи юқори бўлса.

Танлашнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши иштирокчилардан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

### **Танлаш натижаларини рамийлаштириш.**

Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш итироқчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутвчи шарт қўйилиши мумкин.

Ғолиб шартнома тузишн ради этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш хукуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нарҳдан паст булган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни ради этиши мумкин.

Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишни ради этган бўлса, давлат буюртмачиси ушбу Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши орқали харидни амалга ошириши мумкин.

Бирламчи рухсат берувчи лойиҳа  
ва танлов хужжатларини тайёрлаш  
бўлими бошлиғи:

Ф. Жўраев

## Бахолаш мезонлари

№	Талабларнинг номи	Минимал балл	Максимал балл
1	Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;	0	2
2	Объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича II тоифадаги Сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета хужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш, лицензиясининг нусхаси;	0	2
3	Объектларда муалифлик назоратини олиб боривчи мутахассисларнинг сертификат нусхаси;	0	10
4	Иштирокчи қайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик, буюртмачи билан суд ёки хакамлик судида тортишув ҳолатида эмаслиги, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича керакли тарзда бажарилмаган мажбуриятлар йўқлигини тасдиқловчи кафолат хати;	0	2
5	Ташкилот томнидан корупцияга йўл қўймаслик бўйича давлат муассаси директори номига кафолат хати	0	2
6	Танловда иштирок этиш учун ариза (1-шакл);	0	2
7	Танлов иштирокчиси хақидаги умумий маълумотлар (2-шакл);	0	20
8	Иш тажрбаси (3-шакл);	0	20
9	Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати (4-шакл);	0	15
10	Мавжуд моддий-техника воситалари тўғрисида маълумот (5-шакл)	0	15
11	Курилиш майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўрисида маълумот (лойиҳа таклифи) (6-шакл);	0	8
12	Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги (ўз балансида бўлса кадастр хужжатлари, ижарада бўлса ижара шартнома)	0	2
	Жами максимал балл		100
	Минимал ўтиш балли		70

**“Андижонсувқурилишинвест” давлат мұассаси**  
*(буюртмачи ташкилотнинг номи)*

**Ариза**

*(объект номи)*

1. Биз, қуида имзо чекувчилар, юқорида айтилган ишларни бажариш майдончасини күздан кечириб, умумий, техник ва тижорат қысларидан иборат танлов ҳужжатларини ўрганиб,

*(рақамда ва ёзув билан сумма, қўшилган қиймат солиги билан)*

сўмга айтилган барча ишларни бажариш ва якунлашни ҳамда улардаги топилган дефектларни белгиланган муддатда тузатишни таклиф этамиз.

2. Бизнинг таклифимиз қабул қилинган ҳолда, буюртмачидан ишга киришиш ҳақидаги ёзма хабарномани олган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришиш ва ишларни бажаришни бошланишидан эътиборан \_\_\_\_\_ кун мобайнида уларни якунлаш мажбуриягини оламиз.

3. Бизнинг таклифимиз танлов таклифлари очилган кундан бошлаб \_\_\_\_\_  
*(рақам ва ёзув билан)*  
календар кун мобайнида амал қиласди.

4. Шартнома тузилгунга қадар мазкур танлов таклифи унинг қабул қилинганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома билан бирга орамиздаги юридик мажбурият ҳисобланади.

5. Таклиф қабул қилинганлиги тўғрисидаги Биз олган хабарнома, Бизни Сиз билан расмий шартнома тузишга мажбурият юкланиши ва Биз унинг ижросини таъминлашимизни тасдиқлаймиз.

6. Буюртмачи ва танлов комиссияси тақдим этилган таклифлардан энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигига розилик билдирамиз.

7. Буюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китобларни танлов комиссиясининг мажлислари баённомалари билан тасдиқланган ва келгусида ўзгартирилмайдиган шартномавий нархда амалга ошириш мажбуриягини оламиз.

Ташкилот раҳбарининг имзоси: \_\_\_\_\_

Тузилган санаси: “\_\_\_\_\_” 20 \_\_\_\_ й.

**Танлов иштирокчиси тўғрисидаги  
умумий маълумотлари**

Танлов иштирокчисининг номи \_\_\_\_\_  
 Рахбарнинг фамилияси исми,  
 ва отасининг исми \_\_\_\_\_  
 Манзил ва телефон (факс) раками \_\_\_\_\_  
 Юридик макоми \_\_\_\_\_  
 Ташкил этилганлиги санаси (буйрук ёки карор ким томондан берилган) \_\_\_\_\_  
 Фаолияти тури буйича ихтисослашуви \_\_\_\_\_

Рахбар ва унинг уринбосарлари:

Тар. рақа ми	Ф.И.Ш.	Маълумоти (Таълим муассаси номи ва мутахасислиги )	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Умумий иш тажрибаси
1	2	3	4	5	6

Асосий ходимлар (ГИП, ГАП ва бошқалар)

Тар. рақа ми	Ф.И.Ш.	Маълумоти (Таълим муассаси номи ва мутахасислиги )	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Умумий иш тажрибаси
1	2	3	4	5	6

Доимий ходимлари (ишчилар)

Тар. рақа ми	Мутахасисликлар номи	Мутахасислиги бўйича жами ходимлар сони	Шундан мутахасислигини тасдиқловчи хужжатга эга бўлганлар	Шундан ЛСХ тайёрлаш соҳасида 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлганлар
1	2	3	4	5
Жами:				
Шундан				
ГИПлар				
ГАПлар				
Лойихачилар				
Сметчиклар				
ва бошқалар				

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун  
фуқаролик ва жиной нуқтаи назардан жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси раҳбарини имзоси:

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Ушбу тузилган сана: 2022 йил «\_\_\_»  
М.ў.

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган  
ва муҳрланган бўлиши керак.

3- Шакл

# **Танлов иштироқчисининг охирги уч йилда бажарган иш тажрибаси (2019 й.-2020й.-2021 й.)**

## Танлов иштирокчисининг номи:

Ахборотингизда сўралган йиллар давомида ўзингиз иштирок этган барча обьектларини санаб ўтишингизни сўраймиз

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуктаси назардан жавобгармиз.

Рахбар: \_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш) \_\_\_\_\_

Ушбу тузилган сана: 2022 йил «\_\_\_\_\_»  
М. й.

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

**Танлов иштирокчисининг молиявий холати.**  
**охирги З йилдаги молиявий хисоботлари асосида**

Танлов иштирокчисининг номи \_\_\_\_\_

( минг сум )

АКТИВЛАР	2019 й.	2020 й.	2021 й.	ПАССИВЛАР	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Узок муддатли активлар				Узлик маблагларнинг манбалари			
Асосий воситалар				Устав капитали			
Шу жумладан ишлаб чикириш захиралари				Таксимланмаган фойда			
КОЛДИҚ киймат				Мажбуриятлар			
Капитал куйилмалар				Карзлар			
Тугалланмаган ишлаб чикириш				Кредитор карзлар			
Жорий активлар				Шундан тулов муддати утган карзлар			
Айланма маблаглар				Шундан бюджет буйича карзлар			
Улардан ишлаб чикириш захиралари				Мехнатга хак тулаш буйича карзлар			
Дебитор карзлар							
Шу жумладан тулов муддати утган карзлар				Балансининг пассиви буйича жами			
Балансининг активи буйича жами							

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

( минг Сум )

НОМИ	2019 й.	2020 й.	2021 й.	НОМИ	2019 й.	2020 й.	2021 й.
1. Махсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум				8. Соф фойда			
2. <i>Махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф фойда</i>				Шу шундан асосий фаолиятдан фойда			
3. <i>Сотилган махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикиши таннархи</i>				Умумхужалик фаолиятидан			
4. Административ харажатлар				9. Асосий фаолиятнинг фойдаси			
5. Бошка харажатлар				10. Умумхужалик фаолиятнинг фойдаси			
6. Даромад солиги туландунга қадар фойда				11. Зарар			
7. Даромаддан солик				Шу жумладан: асосий фаолиятдан Умумий хужалик фаолиятидан			

Баланс фойдаси \_\_\_\_\_

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Рахбар \_\_\_\_\_  
(имзо)Бош хисобчи \_\_\_\_\_  
(имзо)

М.ў.

Ушбу тузилган сана: 2022 йил «\_\_\_»

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

## **Танлов иштироқчисининг лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш жараёнида фойдаланадиган оргтехника ва механизмлари рўйхати**

Бу ердаги маълумотлар асли ва тўғри бўлиб, бу ердаги хар қандай нотўғрилик ёки ёлғон маълумотлар учун фуқаролик ва жиноий нуқтаи назардан жавобгармиз.

Танлов иштирокчиси рахбарини имзоси:

(ИМЗО)

(Ф.И.Ш.)

Ушбу тузилган сана: 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
М.Ү.

Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

**Лойхалаштиралаётган объектнинг ўрганиб чиқиш туғрисида  
МАЪЛУМОТ**

Мен \_\_\_\_\_ ушбу тасдиқлаш учун  
(лавозим Ф.И.Ш.)

топшириғига биноан

(танлов оферент номи)

Объектни ва унга бириктирилган худуларни кўздан кечирилган хақида маълум этаман ва:

- а) танлов хужжатларини тулиқ ўрганиб чиқди;
- б) бизнинг таклифимиздаги барча мумкин бўлган шартлар ва бошқа ҳолатларни тўлиқ ўқиб чиқди ва ҳисобга олинди.

**Эслатма:** Уибу шакл лойхалаштирилаётган объектни ўрганиши, жумладан кириши йўллари, муҳандислик коммуникатсиялари мавжудлиги, мавжуд бино ва иниоотлар ва бошқа масалалар ҳақида маълумот беради.;

Бу эрда келтирилган барча маълумотлар тўғри ва тўғри ва биз бу эрда берилган ҳар қандай нотўғри ёки ёлғон баёнот учун фуқаролик ёки жиноий жихатдан жавобгармиз..

Танлов иштирокчисининг имзоси: \_\_\_\_\_  
М.Ў.

Сана: «\_\_\_\_\_» 2022 г.

---